

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



ТИЛШУНОСЛИК
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	— Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	— Педагогика
	120 000	— Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	— Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
	5120100	— Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)
	5120200	— Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)
	5112200	— Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)

Тошкент – 2018

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Р.У. Маджидова

- ЎзДЖТУ, “Умумий тилшунослик” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.
- ЎзДЖТУ, “Умумий тилшунослик” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар:

А.Э. Маматов

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети профессори, филология фанлари доктори (*turdоши OTM*).

К.О. Сапарова

- ЎзДЖТУ доценти, филология фанлари номзоди

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Хорижий тиллар бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда талабаларни тилнинг назарий масалалари билан танишириш муҳим аҳамият касб этади, зеро филолог-мутахассис ва тил таълими ўқитувчиси тилшунослик фанининг назарий асослари билан таниш бўлиши, тил илмининг қонун-қоидаларини умумлаштира олиши керак бўлади. Шундан келиб чиқиб, “Тилшунослик” фани бўйича тузилган ушбу дастур “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, ўқув режада мавжуд “Тилшуносликка кириш” ва “Умумий тилшунослик” курсларини ўз ичига олади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Тилшунослик фанининг асосий мақсади тилшунослик фани, унинг бўлимлари, ўрганиш обьекти, бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида маълумот бериш, талабаларни тилшунослик фанининг асосий тушунчалари, категориялари ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш, талабаларда олинган билимларни амалда қўллай олиш малакасини шакллантириш каби вазифаларни ҳал этишни тақозо қиласди.

Ушбу фанининг вазифалари тил ва жамият, тил тизими ва тузилиши, унинг сатҳлари, бирликлари ва уларнинг намоён бўлиш қонуниятлари, тилшунослик фанининг бошқа фанлар билан алоқаси, дунё тилларининг классификацияси ҳақида назарий билимлар беришдан иборатdir.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўнкма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразлар;
- тил сатҳлари ва тилшунослик бўлимлари;
- дунё тиллари ва уларнинг таснифи;
- тилшунослик тарихи ва тилшунос олимлар;
- тилшунослик методлари;
- тилшуносликнинг замонавий йўналишлари тўғрисида етарли даражада **билимга эга бўлиши**;
- тилшунослик ва тилшунослик тарихи тўғрисида кенг билимни эгаллай олиш;
- Ўзбекистон ва хорижий давлатларда нашр қилинган илмий адабиётлар билан ишлаш;
- ўрганилаётган чет тилидан она тилиси хусусиятларини ажратади олиш;
- тилшунос олимлар таълимотларини таҳлил қила олиш;
- турли тилларни оила ва гурухларга таснифлай олиш;

- замонавий тилшунослик масалаларини тушуна олиш **малакасига эга бўлиши**;
- чет тили ўрганиш амалиётида назарий билимларни қўллаш;
- тилшунослик бўйича илмий изланишларга касбий нуқтаи назардан қараш;
- дунё тилшунослигига рўй берадиган жараёнларни ўзаро боғлиқлик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш;
- тиллардаги умумий ва хусусий белгилар ҳақидаги тушунчаларни амалиётда қўллаш **кўникмасига эга бўлиши** зарур.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

“Тилшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи

Тилшунослик фан сифатида. Тилшунослик фанининг обьекти ва предмети. Умумий ва хусусий тилшунослик. Назарий тилшунослик. Амалий тилшунослик. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. “Тилшуносликка кириш” ва “Умумий тилшунослик” курсларининг мақсад ва вазифалари.

Тил – асосий алоқа воситаси

Тилнинг моҳияти. Тилнинг асосий вазифаси. Вербал ва новербал мулоқот. Тилнинг паралингвистик белгилар ва сунъий белгилар тизими билан алоқаси. Тилнинг табиати. Тил ва нутқ.

Тил ва тафаккур

Тил ва тафаккур муносабати. Тил ва тафаккур лингвистик муаммо сифатида. Тил тафаккур қуроли ва воситаси. Психолингвистика.

Тил ва жамият

Тил ва ижтимоий тафаккур. Тил ва маданият. В. фон Гумбольдт ва лингвомаданиятшунослик. Сепир-Уорфнинг лингвистик нисбийлик назарияси. Тилнинг ижтимоий табақаланиши. Социолингвистика. Билингвизм ва диглоссия. Тилнинг оламни англаш жараёнидаги ва халқ ёки индивиднинг фикрлаш фаолиятидаги аҳамияти.

Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги диний, антик давр ва замонавий фаразлар. Тиллар интеграцияси ва дифференциацияси. Адабий тил - тил мавжудлигининг олий кўриниши. Адабий тилларнинг типологик фарқланиши. Адабий тилнинг миллий-тарихий омиллари. Адабий тил ва бадиий адабиёт тили. Адабий-лисоний меъёр. Интерлингвистика.

Миллатлараро ва халқаро алоқа тиллари. Сунъий тиллар. Классик тиллар. Аралаш тиллар (пижин ва креол).

Тилларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланиш қонуниятлари

Лисоний табақаланиш ва қариндош тилларнинг ташкил топиши. Элатлар тили. Миллий тилларнинг ривожланиши. Тилнинг ички ва ташқи қонуниятлари.

Фонетика

Нутқ товушлари тилнинг табиий материали сифатида. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси. Тилнинг артикуляцион базаси ва акцент. Нутқ товушларининг таснифи. Вокализм ва консонантизм. Унли товушлар таснифи. Ундош товушлар таснифи. Нутқнинг фонетик бўлиниши: жумла (фраза), такт (синтагма), бугин, товуш. Энклитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси. Бўғин ва унинг турлари. Интонациянинг вазифаси. Ургу ва унинг турлари. Нутқ товушларининг вариантлари ва вариациялари. Редукция. Нутқ товушларининг позицион ва комбинатор ўзгаришлари. Фонема тушунчаси ва унинг товушдан фарқи. Фонемалар тизими ва унинг миллий ўзига хослиги.

Лексикология

Сўз тилнинг марказий бирлиги сифатида. Лексикология ва унинг асосий бўлимлари. Сўзнинг хусусиятлари. Сўз ва лексема. Лексик маъно ва унинг турлари. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши. Тилнинг луғавий қатламлари. Сўзларнинг маъно муносабатига қўра турлари. Луғат заҳирасининг бойиш усуллари: сўз ясаш, сўз ва ибораларни ўзлаштириш. Кўп маънолилик. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Омонимия. Синонимлар. Антонимлар. Эскирган ва тарихий сўзлар. Табу ва эвфемизмлар. Этимология ва “халқ” этимологияси. Терминология. Идиомалар. Фразеология. Лексикография.

Грамматика

Грамматика фан сифатида. Морфология. Морфема ва унинг турлари. Тилнинг грамматик усуллари. Аффиксация. Агглютинация ва фузия. Сўзнинг морфологик ва этимологик таркиби. Товуш алмашишлари ва ички флексия. Такрор (редупликация). Сўз қўшилиши. Гапда сўз тартиби. Ургу қўчириш. Ёрдамчи сўзлар: предлог, қўмакчи, артикль, юклама, боғловчи. Оҳанг. Супплетивизм. Тилларнинг синтетик ва аналитик қурилиши. Грамматик категориялар. Сўз туркumlари. Синтаксис. Тилнинг синтактик бирликлари. Содда гап таркибида синтагмалар. Гап. Гап турлари. Гап бўлаклари. Сўз бирикмалари ва уларнинг боғланиш усуллари. Гапнинг актуал бўлиниши.

Ёзув

Ёзув тараққиётининг асосий босқичлари. Ёзув пайдо бўлишининг сабаблари. Алфавит. Графика. Орфография ва унинг асосий тамойиллари: фонетик, морфологик, анъанавий. Ёзувнинг маҳсус турлари.

Тиллар таснифи

Дунё тиллари. Тиллар таснифи. Тилларнинг генеалогик таснифи. Тилшуносликда қиёсий-тариҳий метод. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи: флексив, агглютинатив, ажратувчи ва мужассамлаштирувчи тиллар. Ареал тасниф. Тилларнинг ҳудудий бўлиниши. Билингвизм. Интерференция ходисаси. Функционал тасниф.

Тил – белгилар системаси

Белги ва белгилар системаси тушунчаси. Семиотика. Тилда “система” ва “структурা” тушунчалари. Белгилар системасининг турлари.

Тил сатҳлари ва унинг бирликлари

Тил сатҳлари. Фонологик сатҳ. Морфемик сатҳ. Сўз ясалиши. Лексик сатҳ. Морфологик сатҳ. Синтактик сатҳ. Гап.

Лингвистик тадқиқот методлари

Тасвирий метод. Қиёсий-тариҳий метод. Чоғишириш методи. Дистрибутив таҳлил методи. Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи. Трансформацион таҳлил методи. Оппозиция методи. Компонент таҳлил методи. Стилистик таҳлил методи. Статистик метод. Автоматик таҳлил методи. Типологик таҳлил методи.

Тилшунослик тарихи

Қадимги Ҳинд тилшунослиги. Қадимги Греция ва Рим тилшунослиги. Платон. Арасту грамматикаси. Стоиклар таълимоти (эрамиздан олдинги III-I асрлар). Фалсафий ва грамматик даврлар. Қадимги Рим тилшунослиги. Ўрта асрларда Европа тилшунослиги (476-1492). Араб тилшунослиги. Европада ўйғониш даври тилшунослиги (XV-XVIII асрлар). Умумий рационал грамматика (Пор-Рояль). Славян мамлакатларида тилшунослик. XIX аср рус тилшунослиги Ф.И. Буслаев, А.А. Потебня. Қиёсий-тариҳий тилшунослик. Компаративистика даврлари. В. фон Гумбольдтнинг тарихий-фалсафий концепцияси. Тил антиномиялари. Тил фаолият сифатида. Тил – ҳалқ руҳи. Тилларнинг ривожланиш босқичлари. “Ёш грамматикачилар” мактаби. Лейпциг тўгараги. Москва мактаби. Қозон мактаби. Ф. де Соссюр лингвистик

назарияси. Структурализм. Прага лингвистик мактаби. Дания структурализми (глоссематика). Америка структурализми (дескриптив лингвистика). Шўро даври тилшунослиги. Ҳозирги замон тилшунослиги. XX-XXI асрлар тилшунослигининг етакчи йўналишлари.

Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари

Генератив тилшунослик. Когнитив тилшунослик. Лингвистик фалсафа. Прагмалингвистика. Матн лингвистикаси. Психолингвистика. Этнолингвистика. Типологик лингвистика. Лингвомаданиятишунослик. Компьютер лингвистикаси. Корпус тилшунослик. Онтолингвистика. Зоолингвистика. Биолингвистика. Менталингвистика. Лингвопоэтика. Математик лингвистика. Коммуникатив тилшунослик. Нейролингвистика. Паралингвистика. Дискурсология (дискурс назарияси). Нейролингвистика.

IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари учун қуидаги мавзулар тавсия этилади:

“Тилшуносликка кириш” курси:

1. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши.
2. Фонетика ва фонология.
3. Лексикология ва унинг бўлимлари.
4. Грамматика. Морфология ва морфемика.
5. Синтаксис.
6. Ёзув ва унинг ривожланиш босқичлари.
7. Тилларни таснифлаш: функционал, ареал ва типологик таснифлар.
8. Тилларнинг генеалогик таснифи.
9. Тилларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш қонуниятлари.

“Умумий тилшунослик” курси:

1. Тилшунослик фани тарихи. Қадимги ҳинд, хитой, грек, рим тилшунослиги.
2. Ўрта асрларда европа ва араб тилшунослиги. Ўрта Осиёда тилшуносликнинг ривожланиши.
3. Уйғониш даври тилшунослиги. Умумий рационал грамматиканинг яратилиши.
4. XIX асрда қиёсий-тарихий тилшуносликнинг вужудга келиши. В. Гумбольдт таълимоти.
5. Тилшунослик тарихидаги йўналишлар ва мактаблар.

6. Фердинанд де Соссюрнинг лингвистик назарияси. Тилшуносликда структурализм.
7. Тил белгилар системаси сифатида. Тил сатҳлари ва уларнинг бирликлари.
8. XX-XXI асрлар тилшунослигининг замонавий йўналишлари.
9. Лингвистик тадқиқот методлари.

Семинар машғулотлари мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

“Тилшуносликка кириш” курси:

1. Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги назариялар.
2. Турли тиллардаги фонетик ҳодисалар.
3. Турли тузилишли тилларда сўз ясаш усулларининг умумий ва фарқли жиҳатлари.
4. Этимология. Илмий этимология, халқ этимологияси ва “ёлғон этимология”.
5. Турли тилларда сўз туркumlари ва уларни гурухлаш тамойиллари.
6. Гапнинг актуал бўлиниши. Синтактик инверсия.
7. Ёзувнинг тарихий ва замонавий турлари.
8. Тилларнинг генеалогик таснифи.
9. Тил алоқалари. Билингвизм ва интерференция.
10. Тил ҳодисалари ва уларнинг илмий номланиши.

“Умумий тилшунослик” курси:

1. Ўрта Осиёда тилшуносликнинг ривожланиши.
2. Тилшунослик мактаблари.
3. Ўзбек тилшунослиги ва унинг ривожланиш йўллари.
4. Структурализм ва унинг йўналишлари.
5. Лингвопрагматика.
6. Лингвомаданиятшунослик.
7. Болалар тилининг илк ривожланиш даври.
8. Компьютер лингвистикаси. Тилларни интенсив ўрганиш дастурлари.
9. Тил таълимига замонавий ёндашувлар: коммуникатив, интегратив ва компетенциявий ёндашувлар.
10. Коммуникатив тилшуносликнинг замонавий турлари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уларни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Ирисқулов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Т., 2008.
2. Yo'ldoshev I., Muhamedova S., Sharipova O', Madjidova R. Tilshunoslik asoslari. – Т., 2007/2013.
3. Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. – Т., 2007.
4. Muhamedova S., Yo'ldoshev I., Madjidova R., Sharipova O', To`xtamatov X. Tilshunoslik asoslari. – Elektron darslik.
5. Маслов Ю.С. Введение в языкознание. – М., 2007.
6. Реформатский А. Введение в языкознание. – М., 2006.
7. Попова З.Д., Стернин И.А. Общее языкознание. – М., 2007.
8. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т., 2007/2010.
9. Шарафутдинова Н.С. Теория и история лингвистической науки. – М., 2007.
10. William B. McGregor. Linguistics. An introduction. – New York, Bloomsbury Academic Press, 2015. 430 p.
11. Keith Allan. The Oxford Handbook of the History of Linguistics, Oxford University Press London, 2013.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон

- Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 46 б.
 7. Зокиров М., Маджидова Р., Султонова Ш. Ўзбекча-русча-инглизча лингвистик атамалар муҳтасар лугати. – Т., 2016.
 8. Немченко В.Н. Введение в языкознание. – М., 2008.
 9. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 2004.
 10. Щукин А.Н. Лингводидактический энциклопедический словарь. – М., 2006.
 11. Авлакулов Я.И. Ўзбек тилининг ономастик кўлами. – Тошкент, 2017.
 12. Кодухов В.И. Общее языкознание. – М., 1974.
 13. Левицкий Ю.А. Общее языкознание. – М., 2009.
 14. Умархўжаев М. Умумий тилшунослик. – Андижон, 2010.
 15. Брусенская Л.А. Учебный словарь лингвистических терминов. – Ростов н/Д., 2005.

Интернет сайтлари

1. www.tdpii.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.ziyonet.uz
4. www.edu.uz

